
"Саховат ва кўмак": кўнгилларни обод этишга ҳаракат қилинмоқда
Юртбошимиз томонидан илгари сурилган хаётий ташаббус саховатпеша юртдошларимиз, сахий тумандошларимизинг қалбида яна бир бор эзгулик ва мурувват туйғуларини уйғотди.

Улар томонидан кўрсатилаётган хайрия ёрдамлари тегишли тартибда мувофиқлаштирилиб, тумандаги хайрия ва саховат маркази орқали ижтимоий кўмакка эҳтиёжманд аҳоли қатламига кунма-кун, беғараз етказиб берилмоқда.

Кеча, 30 апрель куни марказ орқали 4 та сектор худудларида истиқомат қилувчи ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган 73 та оиласарга;

буғун, 1 май куни эса шу каби оиласардан 48 тасига бирламчи озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилди.

Хайрли ишларнинг кўламини кенгайтиришни асосий мақсадига айлантирган "Саховат ва кўмак" умумхалқ ҳаракати халқимизда қадимдан қадрланиб келган олийжаноб фазилатларни, азалий анъаналарни янада ёрқин намоён этмоқда.

Ўзбекистон тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати

2020-05-01 17:44:30